

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 26 октябрь  
сешанба  
№ 43 (1299)

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

hudud24  
Endi 24 soat siz bilan!

Энг сўнги хабарлар  
Хуқуқий маълумотлар  
Таҳлилий мақолалар  
Мурожаатга жавоблар

## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ХАЛҚИМИЗ ЮКСАК ТАФАККУРИ ВА ДОНИШМАНДЛИГИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ БЎЛДИ

Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодлар сайловчиларнинг қуйидаги миқдордаги овозини олди:

- Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан номзод Баҳром Абдурахимович Абдуҳалимов — **3,4 фоиш**;
- Ўзбекистон Экологик партиясидан номзод Нарзулло Наимович Обломуратов — **4,1 фоиш**;
- Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан номзод Алишер Келдиевич Қодиров — **5,5 фоиш**;
- Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Максуда Азизовна Варисова — **6,6 фоиш**;
- Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев — **80,1 фоиш**.

**24** ✓  
ОКТАБРЬ 2021 йил  
ЎЗБЕКИСТОН  
ПРЕЗИДЕНТИ  
САЙЛОВИ



Ўзбекистон Республикаси  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ

2-БЕТ

Кейинги йилларда мамлакатимизда китобга, китобхонликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Китобхонлар ўртасида танловлар ўтказиш, турли соҳаларда ишлаб, ижод қилаётган иқтидорларни кашф этиш яхши бир анъанага айланди.



ИИВ Академияси Ахборот-ресурс марказида **"ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН"** кўрик-танлови бўлиб ўтди

Ички ишлар вазирлиги Академиясининг бебаҳо китобларга бой ажиб бир кутубхонаси бор. Бу ерда таҳсил олган ҳар бир оқсойишталик химоячиси Академия ахборот-ресурс марказининг кутубхонаси-дан фойдаланиб билим ва малакасини оширади. Кутубхонада нафақат соҳа фаолиятига оид китоблар, ҳуқуқий нашрлар, даврий матбуот нашрлари, балки, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари бўлган бадиий асарлар, нодир китоблар жуда кўп. Ахборот-ресурс маркази яқинда қайта таъмирдан чиқарилиб, китоб фонди бойитилиб, янада гўзал масканга айланди.

8-БЕТ

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДНК ОРҚАЛИ ОЧИЛГАН ИЛК ЖИНОЯТ

Ўзбекистон  
Республикаси  
ҳарбий  
прокурори  
**Шухрат  
УЗОҚОВ** иш  
фаолиятидан  
бир лавҳа



3-БЕТ



## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВнинг МАТБУОТ АНЖУМАНИДАГИ НУТҚИ

Азиз Ватандошлар!  
Хурматли анжуман иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!  
24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови халқроқ мезонлар ва стандартларга мос миллий сайлов қонунчилигимизга, унда белгиланган очқилик, ошқоралик, эркинлик ва адолат каби умумэтироф этилган демократик принципларга тўла мос ҳолда, кўтаринки руҳда ўтказилди.

Бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган Янги Ўзбекистон ўтмиш аждодларининг тарихий анъаналарини давом эттириб ва янада бойитиб, ҳар томонлама муттасил ривожланаётган замонавий давлат сифатида бутун дунёнинг эътиборини тортмоқда.

Куни кеча ўтган Президент сайлови халқимиз юксак тафаккури ва донишмандлигининг ёрқин ифодаси бўлди.

Ушбу сайлов Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда, жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишларда амалга оширилаётган изчил ва жадал ислохотларнинг узвий давомидир.

Бешта сиёсий партия ва уларнинг номзодлари ўртасида реал рақобат муҳитида ўтган Президент сайлови Ўзбекистонда эркинлик ва демократия амалда мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин намоишидир!

Сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқроқ экспертлар таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Бу галги Президент сайлови илк бор 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтди.

Сайлов қонунчилигига жорий йилнинг 8 февраль ва 31 май кунлари киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларга биноан, энг аввало, сайлов жараёни иштирокчилари, яъни сайловчилар, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари ҳамда кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизими

янада такомиллаштирилди.

Барча даражадаги сайлов комиссиялари ўз ишини Сайлов кодекси талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳамда Календарь режасига биноан, қонунийлик, мустақиллик, холислик, очқилик, ошқоралик ва шаффофлик тамойилларига тўла амал қилган ҳолда ташкил этди.

Сиёсий партиялар ва Президентликка номзодлар учун сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқоти учун тенг ва кенг имкониятлар яратилди.

Сайлов участкаларида пандемия шароитида аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратилди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, айни куз фасли бўлишига қарамай, сайлов куни она Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларида, Яратганининг инояти билан, майин кўклар куёшининг чарақлаб тургани ҳам сайловчиларимизга баҳорий кайфият, кўтаринки руҳ ва улкан ишонч бағишлади. Фуқароларнинг сайловда фаол ва эркин овоз беришида муҳим омил бўлди.

Айни пайтда, сайловчиларнинг бу фаоллиги жорий йилда миллий сайлов қонунчилигимизга халқимиз билан барчаслаҳат киритилган ўзгаришларга биноан сайлов кунининг қорли-қировли совуқ декабридан мўътаяд октябрь ойига кўчирилдиш ғоят тўғри иш бўлганлигининг амалдаги яна бир даллатидир.

Президент сайловини нуфузли халқроқ ташкилотлар, жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Парламент Ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва МДХ Парламентларо Ассамблеяси, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши, Туркий кенгаш Парламент Ассамблеяси ҳамда Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби йигирмага яқин халқроқ ташкилотлардан ва эллика яқин хорижий давлатлардан жами мингга яқин халқроқ кузатувчи ҳамда 1 минг 672 нафар маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг йирик оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бевосита кузатиб ва ёритиб борди.

Халқроқ кузатувчилар ва

оммавий ахборот воситаларининг бундай кенг кўламли иштироки Ўзбекистонда ўтган сайловлар тарихидаги рекорд кўрсаткичдир.

Шунингдек, сайловда иштирок этган бешта сиёсий партиялардан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 64 минг 450 нафар вакиллар сайловни бевосита кузатиб борди.

Ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, биринчи марта мамлакатимизнинг туман ва шаҳарларидаги 207 та сайлов участкаларига ўрнатилган 414 та видеоканаллар орқали узатилган онлайн трансляцияни миллионлаб одамлар кузатиб борди.

Шунингдек, минглаб сайлов участкаларидан журналистлар томонидан теле ва радио, фото репортажлар, интервьюлар ва хабарлар мунтазам узатиб турилди. Интернетдаги ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар орқали бутун дунёга намоиш қилинди.

Сайлов кампанияси даврида Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ва унинг вилоятларидаги бўлимларида сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун кенг медиа-майдон яратилди. Уларда юзлаб матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар, учрашувлар ўтказилди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раҳбарлари, Олий суди раиси, Бош прокурори, Ички ишлар, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлари, округ сайлов комиссиялари раисларининг ахборотлари тингланди.

Сайлов кампаниясига старт берилган кундан буюн хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида жами 76 мингдан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Хурматли матбуот анжумани қатнашчилари!

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури қабул қилинган ва изчиллик билан амалга оширилган сайловларни қонун талаблари асосида, юксак ташкилий даражада ўтказишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Бу йилги Президент сайловининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири — бу сайловчиларимизнинг фуқаролик масъулияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб ислохотларга дахлдорлик туйғусининг янада ошганлиги билан боғлиқ.

Сайлов Ўзбекистон халқининг юксалиб бораётган сиёсий тафаккурини, ижтимоий фаоллиги ва маданий савиясини яна бир бор яққол намоён этди, десак айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Сайловчилар рўйхатида киритилган 20 миллион 158 минг 907 нафар сайловчилардан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда чет элларда овоз берган ватандошларимиз билан бирга ҳисоблаганда 16 миллион 212 минг 343 нафар сайловчи иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 80,4 фоиздан иборатдир.

421 минг 176 нафар сайловчи жорий йилнинг 14 октябрдан 20 октябргача ўтказилган муддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди.

Сайловда консуллик рўйхатида турган-турмаганлигидан қатъи назар хорижда истиқомат қилаётган барча ватандошларимиз учун 37 та давлатда ташкил этилган 54 та сайлов участкасида овоз бериш имконияти яратилди. Авваллари фақат консуллик ваколатхоналаридан расман рўйхатдан ўтган Ўзбекистон фуқароларига сайловларда қатнашарди.

Дастлабки маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи сайлов участкаларининг барчасида сайлов бюллетенлари санаб чиқилди.

Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган қуйидаги миқдордаги овозини олди:

- Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Баҳром Абдурахимович Абдухалимов — 3,4 фоиз;
- Ўзбекистон Экологик партиясидан номзод Нарзулло Наимович Обломуратов — 4,1 фоиз;
- Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан номзод Алишер Келдиевич Қодиров — 5,5 фоиз;
- Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Максуда Азизовна Варисова — 6,6 фоиз;
- Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев — 80,1 фоиз.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига кўра, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг

овозини, яъни 50 фоиздан ортиқ овоз олган номзод Президент этиб сайланган, деб ҳисобланади.

Ушбу маълумотларга таяниб, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловчиларнинг энг кўп — 80,1 фоиз овозини олиб, ишончли галаба қозонганини ва Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайланганини мамнуният билан маълум қилаемиз.

Марказий сайлов комиссияси номидан Шавкат Миромоновичи бу ёрқин галаба билан самимий муборакбидан этишга ижозат этгайсизлар!

Халқнинг ишончини, меҳрини қозониш инсон учун энг олий саодатдир!

Биз Шавкат Миромоновични энг олий мартаба ва ана шундай олий саодатга мушарраф бўлгани билан чин дилдан яна бир бор қутлаймиз!

Президентликка ўтказилган сайлов бўйича сайловга доир қонунчилик талаблари қўпол равишда бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар ва маълумотлар тушмади. Лекин, Марказий сайлов комиссиясига сайловчилар ва ижтимоий тармоқлардан сайловларни ўтказиш жараёнига доир хабарлар бўйича муайян мурожаатлар келиб тушди.

Уларнинг барчасини қонунда кўрсатилган муддат ва тартибларда кўриб чиқиш ва ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмақда.

Ҳозирги вақтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар ҳамда бошқа ҳужжатларни кўриб чиқмоқда.

Марказий сайлов комиссияси фақат шундан сўнг Президент сайлови ақунлари тўғрисида қарор қабул қилади.

Сўзимнинг охирида халқимизни тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва реал рақобат муҳитида ўтган демократик сайловда ўз Лидерини эркин сайлагани билан яна бир бор табриқлар эканман, дунёдаги энг оқойишта, энг барқарор ва энг гуркираб ривожланаётган мамлакатлардан бири сифатида тан олинган Янги Ўзбекистонимизга ҳеч қачон кўз тегмасин, дейман!

Президент сайловини очиб, ошқора ва шаффоқ ўтказишда кўрсатган фаоллиги учун барча оммавий ахборот воситалари вакилларига яна бир бор самимий миннатдорлик билдираман! Эътиборингиз учун раҳмат!



# Ўзбекистонда ДНК орқали очилган илк жиноят

(Ўзбекистон Республикаси  
ҳарбий прокурори **Шухрат УЗОҚОВ**  
иш фаолиятдан бир лавҳа)

МАМЛАКАТИМИЗДА қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ижобий ишларни бутун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Жиноятчиликка қарши замонавий криминалистика ютуқларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратилиб, жиноятлар изи совимасдан фош этилмоқда.

Бундай кескин ва мураккаб жараёнларда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари ҳам фаол иштирок этаётганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Мазкур тизим жиноятларни фош этишда фан-техника янгилликлари ҳамда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб иш қўраётганлиги эътиборга лойиқ. Буни биргина мисол — 1992 йилнинг 30 ноябрь кунин Самарқанд Олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳудудида рўй берган муҳиш воқеа — воёга етмаган Елена Красикованинг фожиали ўлими билан боғлиқ ўта чигал жиноий ишни фош этишдаги изланишлар, машаққатлар мисолида ҳис этиш мумкин.

## ҲАРБИЙ СИМЛА ЮРТИДАГИ СИРЛИ КОТИЛЛИК

...Ўша кунин қизнинг жасади топилганда, танасида турли жароҳатлар билан бирга унинг зўрланганига доир аломатлар ҳам аниқланган эди. Аммо жиноятни ким қилгани, норасида қизни ким бу қўйга солгани ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса эшитмаган, ҳеч ким ҳеч нимани кўрмаган эди. Боз устига қотил на бирон из, на

бирор далил қолдирган.

Ҳолат юзасидан Самарқанд ҳарбий прокурори Шухрат Узоқов томонидан эски таҳрирдаги Жиноят кодекси 80-моддасининг 8-банди (оғирлаштирувчи ҳолатда одам ўлдириш) билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Таъкидлаш жоизки, бу даврлар — мустақилликнинг дастлабки йиллари, ҳар бир соҳада қайта тикланиш жараёнлари рўй бераётган ўта оғир дамлар эди. Ана шундай мураккаб бир вақтда, Олий ҳарбий билим юрти ҳудудида содир этилган ушбу муҳиш қотиллик жиноятини фош этишда ҳам кўплаб қийинчиликлар бўлиши табиий эди. Чунки қотиллик рўй берган айнан ўша пайтда мазкур Олий ҳарбий билим юртида таҳсил олаётган, собик иттифоқнинг турли ҳудудларидан келган курсантлар ўз юртиларига қайтарилаётган эди. Бу эса қотилни топишни янада қийинлаштиради.

Олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари натижасида билим юртининг 7 нафар курсанти — Россия, Қозоғистон, Украина, Белоруссия Республикалари фуқаролари жиноят содир этишда гумон қилиниб, билим юрти ҳудудидан чиқарилмай ушлаб турилди. Чунки жиноятни ушбу гумондорларнинг қайси бири содир этганини аниқ тасдиқловчи, инкор этиб бўлмас далил йўқ эди. Гумондорлар ўз юртига жўнатиб юборилса, жиноят очилмасдан қолиши муқаррар эди. Ҳолат ниҳоятда мураккаб эди.

Жиноят иши юзасидан дастлабки тергов муддати яқунлабган бир вақтда бир неча хорижий давлат фуқароларини гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш, жиноятни уларнинг бири содир этганига ички ҳиссиётларга кўра ишонч кучи бўлса-да, буни исботлаш учун етарлича далил топилмагани туфайли Самарқанд ҳарбий прокурори лавозимида хизмат қилган Шухрат Узоқов туну кун тиним билмай жиноятни фош этишнинг

ноанъанавий усулларини топиш устида изланарди.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДНК ОРҚАЛИ ОЧИЛГАН ИЛК ЖИНОЯТ

Шухрат Узоқов ҳар кунин иш бошлашдан олдин, мамлакатимизда ва хорижда чоп этиладиган босма нашрлар — газета-журналларни ўқишга одатланган. Матбуотдаги соҳага доир янгилликлар, жаҳон миқёсидаги вазият уни бефарқ қолдирмас эди. Қотилликни очиш учун тинимсиз изланаётган ҳарбий прокурор шундай кунларнинг бирида суд-ҳуқуқ соҳасига оид Москвада чоп этиладиган "Законность" журналида суд-тиббий экспертизасининг янги тури — ДНК экспертизаси ҳақидаги мақола-ни ўқиб қолди.

Мақолада бу экспертиза инсоннинг қон, сўлак ва бошқа ажратмаларини 99,9 фоиз аниқлик билан айнан кимга тегишлилигини фош этиши қайд қилинган эди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ДНК ёки дезоксирибонуклеин кислота — бу специфик уникал молекула. Фақат тирик организмда қандайдиган бу молекуланинг ўзига хослиги шундан иборат-ки, ушбу кичик биологик структурада организмга хос барча маълумотлар жамланади.

Ҳарбий прокурор Ш.Узоқов эса жиноятни фош этишда мазкур экспертизани қўллаш зарурлиги ҳақида бир тўхтамага келди. Аммо қандай қилиб буни удралаш мумкин? Зеро, мустақиллигимизнинг илк йиллари, мазкур турдаги экспертиза амалиётга рўйи этилмаган, ҳатто унинг имкониятларидан фойдаланишнинг илоҳи ҳам йўқ бўлган давр эди. Маълумот учун айтиш лозимки, орадан 8 йил ўтгандан сўнггина, яъни 2000 йилда Ўзбекистонга мазкур турдаги экспертиза кириб келган. Аммо Шухрат Узоқов фикрида қатъий турди. Узоқ изланишлардан сўнг Россия Федерацияси Москва шаҳрида жойлашган ушбу суд-экспертиза бюросининг бошлиғи Светлана

Владимировна Гуртовая билан телефон орқали суҳбатлашишга муваффақ бўлди. Суҳбат давомида жиноятни фош этиш бўйича ушбу экспертиза имкониятлари ҳақида фикр алмашган, мавзу ҳарбий билим юртида рўй берган қотилликка кўчди. Бюро бошлиғини бу экспертизани ўтказишда амалий ёрдам беришга кўндирди. Шу тариқа Ш.Узоқов ташаббуси билан мамлакатимиз тарихида биринчи марта ДНК экспертизаси ўтказилди.

Жиноятни очишда ўзида жиноят изларини сақлаб қолган ашёвий далиллар, хусусан, марҳум Е.Красикованинг жасадида аниқланган қон излари, сперма доғларининг кимга тегишли эканлигини аниқлаш юзасидан хорижий давлат экспертиза муассасасига ДНК экспертизаси тайинланиб, жиноят иши ашёвий далиллар билан Шухрат Узоқов шахсий жавобгарлиги остида Москва шаҳрига юборилади.

## ҲАРБИЙ ПРОКУРОРНИНГ ҚАТЪИЯТИ ТУФАЙЛИ КОТИЛ ТОПИЛДИ...

Орадан икки ой ўтгандан сўнг, жиноят иши эксперт хулосаси билан Самарқанд ҳарбий прокуратурасига келиб тушади ва марҳумда аниқланган қон излари ва бошқа биологик доғларига кўра, гумон қилинувчи Қозоғистон Республикаси фуқароси Заур Кенжебаевга тегишли экани маълум бўлади. Натижада жиноятга доир тафсилотлар ойдинлашади.

Мудҳиш жиноятга қўл урган шахс қотиллик қилганини тан олади. Хусусан, мавжуд далиллар жиноят қуйидагича содир этилганини кўрсатди, яъни жиноят содир этилган кунин соат 20:30 лар атрофида курсант З.Кенжебаев спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда билим юрти ҳудудидаги "дискотека"дан чиқиб, билим юрти штаби томон бораётган воёга етмаган Красикова Елена Александровнани қўриб қолади. Қизни

тўхташиб, унга ўзи билан бирга бўлишни таклиф қилади. Елена Красикова унинг таклифини рад этади ва қочиб кетади. Ичкилик таъсирида ақлу ҳушини йўқотган курсант қизнинг ортидан қувади. Воёга етмаган ёш қиз бақувват йигитга бас кела олармиди? Бир зумда қизга етиб олган курсант уни томоғидан бўга бошлади. Бу билан ҳам газаби босилмай, Еленани уриб-дўлпослайди ва номусига тегади. Натижада Елена ҳушидан кетиб, ҳодиса жойида вафот этади. Виждонсиз З.Кенжебаев эса кўздан гойиб бўлиб, ҳеч нарса кўрмагандек, бу воқеаларга алоқаси йўқ кимсадек жим юраверади.

8 ойдан ортиқ давом этган тергов ҳаракатлари натижасига кўра, жиноят иши бўйича билим юрти курсанти Заур Кенжебаевга нисбатан эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 80-моддасининг 8-банди (оғирлаштирувчи ҳолатда одам ўлдириш) ва 94-моддаси 4-қисми (номуста тегиш) билан айблов эълон қилиниб, жиноят иши мазмунан қўриб чиқиш учун ҳарбий судга юборилади.

Ҳарбий суднинг 1993 йил 1 ноябрдаги ҳукмига кўра адолат қарор топиб, Заур Кенжебаевга жазо муқаррарлиги таъминланган.

Хулоса шуки, инсон қайси соҳада фаолият юритмасин, касбга садоқат, улкан масъулият, жавобгарлик туйғуси уни тарқ этмаслиғи керак. Қолаверса, юзага келган муаммоли вазиятларнинг ечимини ҳар қанча мураккаб бўлмасин, инсон ҳақ-ҳуқуқи, кадр-қимматида дахлдор ҳар қандай ишни ҳал этиш учун тинимсиз изланиш, бор билим ва имкониятларни шу ишга сафарбар этиш чин маънодаги ватанпарвар инсоннинг ишидир. Айниқса, гап содир этилган ва очилмаган жиноят ҳақида кетар экан, ҳақиқатни излаб топиш, адолатни қарор топтириш каби ўта мураккаб вазифа фақат юксак маҳоратли, кучли билимли, профессионал мутахассиснинг фидойилиги туфайлигина амалга ошиши мумкин. Ўз касбига садоқатли юристгина жиноятни ҳар қандай шароитда, ҳар қандай вазиятда ҳам фош этишга куч ва имконият топа олади. Шухрат Узоқов ана шундай юксак маҳоратли ва жасоратли касб эгаси, қатъиятли ва забардаст шахс.

**Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий прокурорининг  
биринчи ўринбосари



## Хуфиёна иш “иш” бермади...

ФУҚАРО М.Р. ўзига тегишли уй-жойнинг бир қисми Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан бузиб ташланиши натижасида етказилган зарар тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигига мурожаат қилган.

Аниқланишича, 2009 йил 27 февралдаги уй-жой ҳада шартномасига асосан фуқаро М.Р.га тегишли бўлган, умумий майдони 1 минг 838 кв.м. дан иборат бўлган жой Бўзсув бўйи канали санитар муҳофаза ҳудудида жойлашганлиги учун унинг бир қисми туман ҳокимлиги томонидан бузилган.

2018 йил июнь ойида Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан фуқаро М.Р.нинг мулкка эга бўлиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари поймол этилиб, қонун талабларига зид равишда уй эгаси оғохлантирилмай, кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган ер майдонида жойлашган ошхона, бостирма ва бошқа қурилмалардан иборат бўлган бино-иншоотлари бузиб ташланган.

Бино-иншоотлар бузиб ташлангани етмаганидек фуқаролик ишлари

бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судига даъвогар — туман ҳокимлиги томонидан жавобгар М.Р.га нисбатан қурилган қурилмаларни бузиш ҳисобига ер майдонини аввалги ҳолатига келтириш тўғрисида даъво аризаси ҳам киритилган ва 1458 кв.м. ер майдонида жойлашган мулк ҳуқуқи мавжуд бўлган қурилмаларни қонуний эканлигини исботловчи мулк эгаси М.Р. томонидан тақдим этилган Олий суд раёсатининг қарори ва бошқа ҳужжатларни суддан яширган ҳолда, даъвони сирдан қаноатлантиришга эришган.

Фуқаронинг қурилмани бузиш ҳақида сирдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги 2018 йил 3 августдаги аризасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо

Улугбек туманлараро судининг 2018 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан Юнусобод туман ҳокимлигининг даъво талабларини қаноатлантириш тўлиқ рад қилинган. Яъни, суднинг 2018 йил 25 июлдаги сирдан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Ариза муаллифига етказилган моддий зарар миқдори “Hisob & Baholash” масъулияти чекланган жамият томонидан 2018 йил 21 июль ҳолатида 560 миллион 498 минг 874 сўм деб баҳоланган.

Фуқаро бу масалада Юнусобод туман ҳокимлигига бир неча мартаба мурожаат қилганига қарамай етказилган зарарни тўлаб бериш чоралари кўрилмаган.

Фуқаролик кодексининг 985-моддасига кўра, ғайриқонуний ҳаракат туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарини етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмида қопланиши лозим.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, суднинг 2021 йил 14 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, Юнусобод туман ҳокимлигидан фуқаро М.Р. фойдасига етказилган 650 миллион 310 минг сўм моддий ва 1 миллион 500 минг сўм маънавий зарар ундирилди.

**ШЕРЗОД ШАРИПОВ,**  
 Тошкент шаҳар адлия бошқармаси  
 масъул ходими



**ТОШЛОҚ туман адлия бўлимига тумандаги “Қўрғонча” маҳалласида яшовчи фуқаро Ч.Хожиматова мурожаат қилиб, фуқаролик паспортидаги исми меҳнат дафтарчасида ўзгартириб қолганлигини билдириб, мазкур хатони тўғрирашда амалий ёрдам сўраган.**

## “ЎЗГАРГАН” ИСМ ПЕНСИЯГА ЧИҚИШДА МУАММОГА САБАБ БЎЛДИ


Мурожаатни ўрганиш жараёнида аён бўлдики, Ч.Хожиматова 1965 йил 16 апрелда туғилган ҳамда 1965 йил 27 сентябрда Фарғона вилояти Охунбобоев (ҳозирги Қўштепа) тумани “Шаҳартепа” кишлоқ фуқаролар йиғини томонидан унга туғилганлик ҳақида гувоҳнома расмийлаштирилган. Қизлигида унинг фамилияси Мирзахожимов бўлган. 1984 йилда турмушга чиққан эса фамилияси Хожиматова бўлиб ўзгарган. Аммо кейинчалик — 1987 йил 8 апрелда Тошлоқ туманидаги “Оқ олтин” жамоа хўжалигига ишга кирганда янги меҳнат дафтарчаси очилган. Ушбу ҳужжатда бўлса исм-шарифи “Хожиматова Гулчехраҳон” тарзида хато ёзилган. Мазкур хато эса пенсияга чиқиш учун ҳужжатларни тақдим қилганда аёлга муаммо туғдирган.

Бундан ташқари, Маргилон шаҳар давлат архивида сақланаётган иш ҳақида оид китобларда Ч.Хожиматованинг шаҳридаги “Ипақчи” очик акциядорлик жамиятида 1994-1998 йилларда, “Хон Атлас” ҳиссадорлик жамиятида эса 1998-1999 йилларда ишлаган даври тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги аниқланди. Бироқ фуқаролар И.Мирзахожимов, Р.Хаджиматов ва А.Юлдашевларнинг Ч.Хожиматова билан бирга ишлаганликлари тасдиқланган. Шунга қарамай, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Тошлоқ туман бўлими томонидан ҳар йилга ҳолатда ҳам иш стажлари инобатта олинмаган.

Фуқаролик-процессуал кодексининг 295-моддасига мувофиқ, шахннинг ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалар бундан мустасно) кўрсатилган фамилияси, исми ёки отасининг исми унинг паспортидаги ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги фамилияси, исми ёки отасининг исми билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёхуд тегишли эмаслиги факти суд томонидан белгиланади.

Бинобарин, адлия бўлими томонидан Г.Хожиматованинг “Оқ олтин” жамоа хўжалигида 1987-1989 йилларда ишлаган даврини ҳамда Маргилон шаҳридаги “Ипақчи” ОАЖда 1994-1998 йилларда “Хон Атлас” ҳиссадорлик жамиятида 1998-1999 йилларда ишлаганлиги даврини фуқаро Ч.Хожиматовага тегишли эканлиги фактини белгилаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Маргилон туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд эса мазкур аризани қаноатлантириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

**Лола БЕКМИРЗАЕВА,**  
 Тошлоқ туман адлия бўлими етакчи  
 маслаҳатчиси



## Ходимларга 6 ФОИЗЛИК қўшимча тўлов тўлаб берилди

Мониторинг жараёнида, коронавирусга қарши кураш тадбирларига жалб этилган бўлим ходимларига 2021 йил май-июнь ойларида жами 275 миллион 805 минг 479 сўм 6 фоизлик қўшимча тўлов ойки иш ҳақида қўшиб тўлаб берилмаганлиги аниқланди.


Ваҳоланки, Президент Фармонининг 17-бандига асосан тиббиёт, санитария-эпидемиология ва бошқа ходимлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилина-

диган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорда хар кунлик қўшимча тўловлар қўйиб қилинган.

Адлия бўлимининг тақдимномасига биноан, туман Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг 65 нафар ходимига 275 миллион 805 минг 479 сўм олти фоизлик қўшимча тўлов тўлаб берилиши таъминланди.

**Акмал ЖОВЛИЕВ,**  
 Иштихон туман адлия  
 бўлими бош маслаҳатчиси

ТОШКЕНТ  
 ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ ИШИ...



**КАТТАҚҮРҒОН** туманидаги “Ҳикматобод” фермер хўжалиги раҳбари **Н.Турдиев** туман ҳокимининг фермер хўжалиги билан тузилган узоқ муддатли ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги қароридан норози бўлиб туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Аниқланишича, ҳоким қарори билан туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида тузилган узоқ муддатли ер ижара шартномасига ўзгартириш киритилиб, “Ҳикматобод” фермер хўжалиги ҳисобидаги жами 15,7 гектар ер майдони 36 йил муддатга чорвачилик йўналишида ижарага қолдирилган. Каттақўрғон туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 29 майдаги хулосасига асосан эса фермер хўжалиги билан

туман ҳокимлиги ўртасида тузилган узоқ муддатли ер ижара шартномаси ҳамда туман ҳокимининг 2018 йил 18 сентябрдаги қарори туман ҳокимининг 2021 йил 31 майдаги қарори билан бекор қилиниб, фермер хўжалигини тугатиш белгиланган.

Ваҳоланки, Ер кодексининг 24-моддасига асосан ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади. Шунингдек, ушбу кодекснинг

38-моддасига асосан ер тўғрисидаги қонунчилик бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофазат қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан оғохлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда уни олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритади.

Юқоридагиларга асосан, жорий йилнинг

17 август кунин Каттақўрғон туман адлия бўлими томонидан “Ҳикматобод” фермер хўжалиги манфаатини қўзлаб, туман ҳокимининг 2021 йил 31 майдаги 520-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топилган ҳақида Самарқанд туманлараро маъмурий судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан ҳокимнинг юқоридagi қарори ҳақиқий эмас, деб топилди, ер участкаси фермер хўжалиги ихтиёрида қолдирилди.

**Ўткир ҲАКИМОВ,**  
 Каттақўрғон туман  
 адлия бўлими бошлиғи

“ИНСОНДАГИ энг қимматли нарса бу — ҳаётдир. У инсонга фақат бир марта берилади. Уни шундай яшаш керакки, токи мақсадсиз ўтган йиллар учун ўкиниш ва аламли армонлар бўлмасин...”. Бу иқтибос ёзувчи Николай Островскийнинг “Пўлат қандай тобланди?” номили романида келтирилган. Бежиз бу мисолни келтирмадик. Инсон учун энг азиз ва қимматли нарса бу ҳаёт ва энг қадрлиси эса шубҳасиз инсондир. Аммо ораимизда шундай инсонлар борки, улар учун энг аввало қонун устуворлиги ва инсонларнинг бахту саодати, тинчлиги, хотиржамлиги учун хизмат қиладиган қонунлар муҳим ва қадрлидир.

**АДОЛАТ —  
МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛ**

Ўз меҳнат фаолиятини Тошкент давлат университетининг юридик факультетини битиргандан сўнг Бухоро вилоят матлубот уюшмасида юрисконсулт сифатида бошлаган Холмурод Бахронов орадан кўп ўтмай Қорақўл тумани прокуратураси терговчиси лавозимида иш бошлаганини, кейинроқ Олот тумани прокуратураси терговчиси, қатор йиллар Вобкент ва Гиждувон туманлари прокуратураси терговчиси ва Бухоро вилоят прокуратураси тергов бўлими прокурори, вилоят прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими катта прокурори вазифаларида фаолият юритди. Унинг таржимаи ҳолида аксарият битта йўналишда — яъни тергов соҳасида фаолият юритганлигини кўриш мумкин. Х.Бахронов қаерда ишлагани, туман, шаҳардами ёки вилоятдами, Республика Бош прокуратурасида, туманлардаги мустақил прокурорлик даврларида ҳам қандай лавозимда меҳнат қилмасин, фақат бир нарсага, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга бор билим ва тажрибасини сарфлади, ҳалол хизмат қилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ҳамда Шофиркон тумани прокурори вазифаларида фаолият кўрсатган йилларида ҳам ўз вазифасига, ўз касбига, қонунга содиқ қолди. Ҳуқуқ-тартибот идораларидаги салкам қирқ йиллик фаолияти давомида ҳаётнинг пасту баландини кўрди, ҳамма қийинчиликларни энгиб ўтишга куч ва ирода топди. Энг муҳими, ўз номига, ўз шарафли касбига доғ туширмади.

Х.Бахронов оддий оилада ўсган. Аммо маданияти, маърифати, маънавияти, билими юксак, бир сўз билан айтганда, назари тўқ инсон. Биринчи ҳақиқа ҳеч қачон хивнат қилмаслик, адолатсизликка йўл қўймасликни, биринчи дилга озор бермасликни ота-боболаридан ўрганган. Ҳаётдаги шиори ҳам ҳалоллик. Шунинг учун мансаб ва юқори мартабалар уни инсоф ва аймон, ҳақиқат ва адолат йўлидан ҳеч қачон адаштирмаган. Ҳаётда кўлга киритган барча утуқлари ана шу қамтарлиги, қўли ва кўнгли тозалигидан далолатдир.

# ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ ЯХШИЛИКДИР!



Қаҳрамонимиз — Бухоро вилояти прокурорининг мурожаатлари билан ишлаш бўйича катта ёрдამчиси, адлия маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “3-даражали аъло хизматлари учун”, “Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими” кўкрак нишонларига сазовор бўлган Холмурод Бахронов ҳам худди шундай фидойи инсонлардан, тажрибали ҳуқуқшунослардан бири. Х.Бахронов айни кунларда олтимши ёшни қарши олмоқда. Унинг умр китобини varaқлар эканми, ҳар бир саҳифасида ўзига хос шижоат, талабчанлик ва ҳалоллик каби фазилатлар акс этганлиги амин бўлди. Унинг сийратига чизгиларни ўқиб, бунга гувоҳ бўласиз.

**ИЗСИЗ  
ЖИНОЯТЛАРНИ  
ОЧИШДА ҲАМ КАТТА  
ТАЖРИБАСИ БОР**

Ҳар бир жиноятнинг ўз тарихи бор. Баъзи жиноятларни очиш учун йиллар камлик қилади. Шундай жиноятлар борки, улар ҳеч қачон очилмайди. Изсиз жиноятларни топиш ҳар қандай тажрибали юрист учун ҳам энг оғир вазифа ҳисобланади. Ўтган иш фаолияти давомида Х.Бахроновга ҳам жиноятларни очиш осон бўлмаган. У не-не жиноятларга, не-не қаҳри қаттиқ, инсонийлик қиёфасини йўқотган, оғир қотилликка қўл урган, ўз йўлини йўқотган ёвуз ниятли кимсаларга дуч келганда ҳам, ўз касби этикасидан чиқмасдан, оғир-босиқлик билан, ўз тажрибасига таяниб, устозлари ўғитига амал қилиб иш кўрган. Ҳар гал энг оғир жиноят содир этганлар учун айблов хулосаларини тайёрларкан, терговчининг ҳаёлидан нималар ўтганини билмаймиз. Аммо ўз умрини ҳазон қилган қизлар, йигитлик номига доғ туширган ўсимирлар, сочи оқарганда жиноят кўчасига кирган оталар, ўз фарзандини пулга сотган оналар, ўзганинг молига кўз олайтирган ўғри-каззоблар, давлатнинг мулкани талон-торож қилган амалдорлар, эҳ-ҳеий уларнинг турлари, шакли-шамойиллари минг хил. Бундай тоифадаги жиноятчилардан жабр кўрганлар билан бирга уларнинг оиласидагилари, яқинлари, вояга етмаган хомюнга муҳтож фарзандлари борлигини кўз олдига келтириш қанчалик қийин. Гарчи терговчи бу туйғуларни ҳеч қачон ошкор этмас-да, аммо инсонийликнинг юракдаги бу оғриқли саҳифаси қаҳрамонимизга тинчлик бермагани аниқ.

**УСТОЗ МЕНИНГ  
ҲАЁТИМДА ЎЗИГА  
ХОС МАКТАБ  
ЯРАТГАН!**

Буни Х.Бахроновнинг шогирди, у киши билан узоқ йиллар бирга жамоатчи ёрдამчи сифатида ишлаган Иброҳим Абдиевнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди: — Мустақилликнинг илк йилларида Холмурод ака раҳбарлигида ишлаганман. Бир қанча жиноятларни очишда, дастлабки тергов жараёнларида ёнларидан бўлганман. Устоз менинг ҳаётимда ўзига хос мактаб яратган, касб сирларидан ташқари, одамлиликдан кўл сабоқ олишимда кўмаклашган инсон. Эсимда, Қизилқум чўлларида қад ростлаган Зафаробод деган “посёлка” ушанда Гиждувон туманига қарашли эди. Ҳозир Кунимех туманига ўтган. У ерда қозоқ миллатта мансуб Жасан деган теңканга тегиб, теңмаганга тоғ отадиган безори, ашаддий жиноятчи жуда машҳур эди. Ўз ошнаси билан спиртли ичимлик ичиб, гал талашиб, оқибатда уни уриб ўлдириб қўйган йигитнинг жиноятини ўрганиш учун зудлик билан “посёлка”га бирга борганми. Тергов ҳаракатлари бошланиб, тергов жараёнида Жасаннинг Кунимех туманида аввал содир этган суиқасд қилиш жинояти ҳам очилди. У катта бир идора раҳбарига ўлдириб билан таҳдид қилган экан. Иккала жиноятни қўшилиб, унга ўша вақтда қонуни кучга эга бўлган оғир жазо белгиланди. 35 ёшлардаги бу ашаддий жиноятчининг ўргимчи қанчалик қийин. Гарчи терговчи бу туйғуларни ҳеч қачон ошкор этмас-да, аммо инсонийликнинг юракдаги бу оғриқли саҳифаси қаҳрамонимизга тинчлик бермагани аниқ.

юборилиб, ўрнига қурилиш материаллари олинишига келишилган бўлса-да, аммо колхоздан юборилган маҳсулотлар сотиб юборилиб, ҳеч қандай қурилиш материаллари колхозга етиб келмаган. Ўша кезларда туман прокуратурасида терговчи бўлиб ишлаётган Х.Бахронов маҳсулотларни “ютиб” юборган муттаҳамларга қидирув эълон қилиб, бу ишга бош бўлганларни топтириб, етказилган зарарни тўлашни талаб қилган, колхоз раиси ва бош ҳисобчини жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаган эди. Хуллас, устоз қайси ишга қўл урмасин, барчасини охирига етказишга одатланган эди. У киши кўз терговчи бўлиб тутилгандек, терговнинг ҳадисини олган эди. Аслида жиноятчилик авж олган ўша кезларда терговнинг машаққати ниҳоятда оғир эди.

**ҲАММАНИ БАХТЛИ  
ҚИЛАДИГАН ҚОНУН  
ЙЎҚ...**

Ҳуқуқ-тартибот идораларида, аниқроқ, прокуратура органларида ишлашнинг ўзига хос машаққатли томонлари кўп. Давлат манфаатларини ҳар нарсадан, ҳатто ўз манфаатидан устун қўйиш айтишга осон. Чунки ҳаммани рози қилиш, ҳамманинг муаммосини ечиш, ҳамманинг жиноятини енгилроқ жазо билан алмаштиришнинг имкони йўқ. Қисқа қилиб айтганда, ҳаммани бахтли қиладиган қонун йўқ. Бу ҳикматли сўз донолардан қолган. Ҳаётда қонун доирасида ўз қилмишига ҳуқуқий баҳо бера олмайдиган шахс ҳеч қачон ўз айбини тан олмаслиги, ўзи қонунни бузиб туриб, ҳуқуқ идоралари ходимларидан норози бўлиши ҳам оддий ҳолатга айланган. Аммо шундай инсонлар борки,

улар юксак салоҳияти, касб маҳорати билан тарозининг икки палласини ҳам теңг тутадилар. Шикоятга ўрин қолдирмайдилар. Қаҳрамонимиз ҳақида ҳамкасб дўсти, Наманган вилоят суди раиси Абдурасул Эрановнинг фикри бунга ёрқин мисолдир:

— Дўстим Холмурод Бахронов билан танишганимизга 43 йилдан ошди. 1978 йилда ТошДўнинг юридик факультети талабаси бўлганми. У даврларда талабаларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилишарди. Ўқиш бошлангандан бир hafta ўтиб бизни Паркент туманига узум теришга, ундан сўнг пахта теримида жалб қилишди. Ўша даврдаёқ курсдошим Х.Бахронов билан дўстлигимиз мустаҳкамланди. Кўнгли очик, камтарин бу йигит билан ҳозиргача қадрдон дўстимиз. У талабалигимизда “Яхши ўқиб, жамиятда ўз ўрнимизни топишимиз кераклигини, бизни ҳозир фалончи одамнинг ўгли, деб танишади, жамиятда шундай ўрнимизни топишимиз керакки, отамизни фалончининг отаси деб танишларига эришишимиз керак,” деб такрорларди. Бу унинг мақсади эди ва бу мақсадга эришиш учун ҳалол меҳнат қилди, эришди ҳам. Унинг хизмат ишларидаги назар солсак, прокуратурадек машаққатли тизимда, таъбир жоиз бўлса, чўғ устида юрадиган тизимда бекнуқсон ишлаб келаётганлигининг ўзи фикримизнинг исботидир. Бу ҳар қимга ҳам насиб этавермайдиган бахт. Самимий, камтарин, оқилбатли дўстим билан фахрланаман, қутлуғ ёши билан муборакбод этаман.

**ОТА ФАХРИДАН  
УЛУФРОҚ ИФТИХОР  
БОРМИ?**

“Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал...” дейишади. Дарҳақиқат, уйда, оиласида тинчлик-хотиржамлик бўлган инсоннинг ишида борака ва ривож бўлиши аниқ. Фарзандларидан кўнгли тўқ одам ҳар қандай курашда голиб чиқиши муқаррар. Жамиятимизда фарзандлар отаси билан фахрланиши, оталарга суяниши кўпроқ урфга кирган. Худди шундай ота-онасига қараб фарзандларига баҳо беришади. Аммо баъзан оталар ҳам ўз фарзандлари билан фахрланиши инсоннинг кўнглини тоғдек юксалтиради. Фарзандларига қараб оталарига баҳо бериш ҳам мумкин. Чунки асл фарзандни фақат яхши ота-оналарига камолга етказиб, элга қўшади. Х.Бахронов ҳам ота касбига меҳр қўйган ва шу соҳада яхши тажриба ва ном орттирган фарзанди, Адлия тизимида кўп йиллардан билим самарали хизмат қиладиган, яхши мартабаларга эришган Шерзод Бахронов билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Падари бузрукори унга нафақат ота, балки машаққатли ва шарафли юристлик касбининг барча нозик сирларини ўрганиш ботида беназир устоз ҳам. Бу ҳамкасблик, ҳамфикрлик, юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг ҳамқаддам иштирокчиси бўлиш, албатта, улар учун шарафдир.

Шу ўринда ҳаётнинг оддий ҳақиқатини ёдга олгимиз келди. Яхшиликнинг мукофоти яхшиликдир. Бутун умр одамларга яхшиликни раво кўрган, ўз касбини севиб, ҳалол меҳнат қилган, эл-юрт олдида юзи ёруғ, ўзидан фақат яхши ном қолдирган Х.Бахронов каби инсонларга яхшилик ҳаммаша ҳамроҳ бўлсин, дейимиз. Улуғ кўнлар шукронасида қутлуғ 60 ёшининг муборак бўлсин!

Маруса ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

**СИРДАРЁ** вилоятида туғилганман. Туғилиб-ўсган шаҳримда ўзбек миллатидан ташқари корейс, рус, украин, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор эди. Мен ана шундай интернационал муҳитда вояга етдим. Дадим ўзбек, онам эса тожик. Мустақилликкача бўлган даврда рус мактаблари жуда кўп бўларди. Мен ҳам таълимни рус мактабида олдим. Навоий ғазалларини билмасам-да, Пушкин шеърларини ёд айта билардим. Лекин рус мактабида таҳсил олганимдан гоҳ хурсанд бўлсам, гоҳида қаттиқ афсусланаман.

Мактабда ўқитувчиларимдан халоллик, поклик, виждон каби фазилатларни ўргандим. Лекин, минг афсуски, ўтмишимни, тарихимни ўрганолмадим. Ўзбекистон тарихи ҳақида жуда кам маълумотга эга эдим. Отам зиёли инсон эди. Ота-ўғил суҳбатга берилса, менга доим: “Ўзлингнинг унутма, болам! Сенинг қонингда буюк аждодларимиз қони бор. Сен уларга муносиб фарзанд бўлишинг, Ватан хизматини олий бурч деб билишинг лозим” дердилар. Отам ҳаля қилган тарихий китоблар эса, кун келиби, менинг хизмат фаолиятимда муҳим аҳамият касб этди.

Ўша даврда тузум шундай бўлган экан-да, Совет давлатининг кучли мафқуравий сийёсати барча мустамлака давлатларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Йиллар ўтиб, йирик гегемон давлатнинг парчаланиши мустамлака давлатларини мустақил давлатга айланишига замин яратди. Халқбизнинг асрий орзуси ушалди. Ўзбекистонда 1989 йили давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу

# ТИЛ БОР ЭКАН МИЛЛАТ ЯШАЙДИ!

хабар отамни қанчалар қувонтиргани ҳеч ёдидан чиқмайди.

Мактабни тамомлаб, олий ҳарбий таълим билим юртига ўқишга кирганимда барча ўқув қўлланмалар рус тилида эди. Дарслар ҳам русча олиб бориларди. Бўлиммамиздаги курсантлар ичида жуда озчилик рус тилида эркин сўзлашардик. Ўқитувчиларимиз эса, турли миллат вакиллари эди. Курсдошларимизга рус тилида машғулотларни ўзлаштириши кийин кечарди. Биз эса, “таржимонлик” вазифасини ўтар эдик. Курсдошларимизга рус тилидаги дарсларни ўзбек тилига таржима қилиб, билим олишларига кўмаклашганмиз. Бу эса, биз — курсдошларнинг янада жипсликда иш олиб боришимизга туртки берди.

Орадан йиллар ўтса ҳамки, ҳалигача аҳилигимизни йўқотганимиз йўқ. Булар мустақилликнинг дастлабки йилларида бўлган воқеалар. Ўша даврлардаги кийинчиликлар ортда қолди. Миллий армиямиз кундан-кунга ислоҳ этилиб, мамлакатимиз ривожланган энг кучли давлатлар қаторидан ўрин олиб бормоқда. Армия сафларида интеллектуал салоҳияти юқори, жисмонан бақувват йигитларнинг сони ортиб, миллий армиямиз 1989 йили ҳарбий таълим муассасаларида соф ўзбек тилида

машғулотлар олиб борилди. Ўқув қўлланмалар ўзбек тилида чоп этилган. Илмий иш олиб бораётган ҳарбийлар касбий маҳоратини ўзбек тилида баён этиб, диссертация ёкламоқда. Илгари жанговар сафда рус тилида қўшиқ куйлардик. Эндичи?! Энди жанговар сафларда ўзбек тилида Ватан мадҳи тараннум этилмоқда. Бунинг замирида эса, Ватан тақдири, миллатнинг келажаги устувор деб ўйлайман. Миллий армиямиздаги бу ислохотларнинг туб моҳияти ўзбек адабий тилига бўлган эҳтиромдан намуна, десам муболага бўлмас керак.

Отамнинг бот-бот такрорлайдиган панду насихатлари, “Ўзлингнинг унутма, болам!” деган насихатомуз сўзи ёшимга ёш қўшилганда, юқори қўмондонлик менга масъул лавозимни ишониб топширганида, навбатдаги унвонга муносиб топилишимда асл мазмунини топа бошлади. Отамнинг ўғитларидан, узок йиллик тажрибаларимдан қуйидаги хулосага келдим. Аввало, ёш авлодни инсонпарварликка ўргатишимиз лозим. Инсон қачонки инсонпарвар бўлиб улғаяр экан, у албатта, миллатпарвар ҳам бўлади. Миллатпарвар инсонлар ватанпарвар ҳалққа айланади! Ватанпарвар инсонлардан қудратли давлат вужудга келади. Уни ҳеч ким синдира олмайди.

Ҳеч эътибор берганмисиз,

тил-забонсиз, сизу бизга ўхшаб гапирмоқ бахтидан бебаҳра одамлар Ватанини бошқача севишади. Жимгина севишади улар Ватанини! Баъзан тил билмасликни айбга йўйганларида мен уларга қарата биз каби гапиролмайдиган, имкониёти чекланган одамларни мисол қилиб келтиргим келади. Ватанини фақат тил билан севиб бўлмайди. Тилдан ҳар сўз чиқиши мумкин. Лекин тилдаги сўз амалда бўлмаса, бундан оғирроқ фожиа бўлмас керак.

Фарзандларим ўзбек мактабларида таълим олишди. Она тилида мендан-да аъло сўзлашшади. Хозирда қатта қизим Россия давлатида таҳсил олаяпти, ўғлим эса Англиянинг нуфузли олийгоҳида талаба. Фарзандларим олис юртларда мен билан интернет тармоқлари орқали ўзбек тилида мароқ ила ёзишиларини ҳис этиб тураман. Улар ўз Ватанига соғинччини ўзбек тилида ёзиб, хуморини босган бўладилар.

Маърифатпарвар, миллатпарвар ўзбек зиёлиси Абдулла Авлонийнинг бир шеърда “Ойнаи ҳар миллат эрур тил-адабиёт” деган жумлалар бежиз битилмаган эди. Тил бор экан, миллат ҳам тирик! Ўзбек тили тарихи Ўрхун-Энасой битикларидан-да қадимдир. Она тилимиз кўп асрларни кўриб, бизнинг замонамизгача сақланиб келган қадимги туркий тилдир. Неча асрлардан буён шаклланиб



**Улугбек ДЎСМАТОВ,**  
Шимоли-ғарбий ҳарбий оқ  
қўшинлари қўмондонининг  
ўринбосари, полковник

келаётган она тилимиз дунё тиллари ичида бой тил саналади. Ўзбек тилининг улуг ёшда эканлиги кўпгина ёзма манбалар орқали ўз тасдиғини топган. Биргина Навоий ҳазратларининг ижоди билан яқиндан танишсак, шонининг ўзбек тилига қўшган улкан ҳиссасини англаймиз. Тил кўёш бўлса, адабиёт нур, дея таърифлашади. Дарҳақиқат, миллатнинг келажаги адабиёт билан ҳамоханг. У авлоддан-авлодларга ўтиб, замонлар оша халқ оғзаки ижоди билан ҳамнафас, ёзма ва оғзаки манбалар орқали барҳаёт яшамоқда. Мен ана шундай пурвкор ўтмишга эга, ўз тили, миллатига эга халқнинг, буюк аждодларимиз барпо этган қудратли юртининг бир фарзандиман. Ўзбекча гапирганим бир фазандиман. Ўзбек тилининг софлигини асраб-авайлаш, соф ўзбекча гаплашиш, ўзбекча ёза билиш, давлат тилида иш юритиш билан биз нафақат тилимизга, балки, Ватанимизга содик фарзанд бўламиз.

2021 ЙИЛНИНГ 8 октябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг (ИХҚ) Женевада бўлиб ўтган 48-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган илк резолюция қабул қилинди. Мазкур резолюция COVID-19 пандемияси даврида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, давлатимизнинг мазкур ташаббуси Кенгашининг барча 47 та аъзо-давлатлари томонидан бир овоздан маъқулланди.

2020 йил 13 октябрда Ўзбекистон ўз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузли институтларидан бири ҳисобланмиш Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзоликка қабул қилинди. Ушбу сана мамлакатимиз янги тарихига муҳим сана сифатида кирди. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш БМТ тизимидаги ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, у бутун дунёда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мажбуриятини олган 47 та давлатдан иборатдир.

Кенгашнинг асосий вазифаси — унинг эътибор марказида турган инсон ҳуқуқлари соҳасини камраб олувчи барча масалаларни ва инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини кўриб чиқиб, муҳокама этишдан иборатдир. Кенгашга аъзолик БМТнинг аъзоси ҳисобланган ҳар қандай давлат учун очик бўлиб, унга аъзолик муддати уч йилни ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида пандемия даврида ёшлар ҳуқуқлари бўйича резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси мамлакатимиз Президентини томонидан жорий йилнинг 22 февралда ИХҚнинг 46-сессиясида илгари

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ:

### ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ КУН ТАРТИБИДА



#### УМИДА ШЕРХАНОВА,

Тошкент  
давлат юридик  
университети  
“Халқро ҳуқуқ ва  
инсон ҳуқуқлари”  
кафедраси  
ўқитувчиси

сурилган эди. Резолюцияни ишлаб чиқишда БМТ тизимининг барча минтақавий гуруҳларининг 37 та давлати ҳаммуаллиф бўлди ва хомийлик қилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Маркази томонидан тайёрланган ҳужжат лойиҳасига асосланиб, БМТнинг Женевадаги қароргоҳидаги Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси норасмий маслаҳат учрашувлари ўтказиб, унда 70 га яқин мамлакатдан 400 дан ортиқ вакиллар ва БМТ қотибяти ходимлари иштирок этдилар. Олиб бориладиган маслаҳат учрашувлари давомида ҳужжат лойиҳаси қоидалари бўйича 300 дан ортиқ шарҳлар қабул қилинди, улар лойиҳа ҳужжати Ўзбекистон томони ишлаб чиққан асосий гоя ва мазмунга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда гуруҳланган ва таснифланган.

Мазкур резолюция давлатларни ёшларга тенг имкониёт яратишга, COVID-19 пандемиясининг салбий таъсирини қайтариш шариоатида ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашишга чакирди. Резолюцияда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари томонидан глобал пандемиянинг ёшлар ҳуқуқларига таъсирини юмшатиш усуллари, шу жумладан, ёшларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қамситиш ҳолатларини аниқлашга эътибор қаратилади.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасига бўлган эътибори, хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзоликка нозиди кўрсатиш Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастурида ўз аксини топган эди.

Ўтган киска давр мобайнида Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи янги босқичга қўтарилиб, унинг бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги янада кенгайди. Хусусан, 2017 йил 19 сентябрда Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясининг юқори миқбарадан туриб БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни тақлиф қилганлиги, 2020 йилнинг 23 сентябрыда эса БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида илк бора она тилимизда нутқ сўзлаб, дунё ҳамжамияти эътиборини инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, ёшлар масалаларига қаратганлиги, пандемия шариоатида давлатлар мажбуриятлари билан боғлиқ муаммоларни кун тартибига қўйганлиги, иқлим ўзгариши ва қашшоқлик каби масалаларни

хал қилишга қаратилган ташаббуслари Ўзбекистоннинг дунёдаги долзарб муаммоларга бефарқ эмаслигининг яна бир далили бўлди. Бундан ташқари, мамлакатимиз 2018 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллигига бағишланган Инсон ҳуқуқлари Осиё форумини ўтказишда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, халқаро ва миллий экспертларини бир жойда йиғиб, инсон ҳуқуқларига бўлган эътиборини янада қучайтириш масалаларини муҳокама қилишда жумболик кўрсатди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимиз сўнгги йилларда улкан ютуқларга эришти. Сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш борасида қўйилган қадамлар, аёллар, болалар ва ёшлар ҳуқуқларига эътибор қучайтирилганлиги, мажбурий ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилганлиги, Жаслик колониясининг ёпилиши ва суд-ҳуқуқ соҳасининг ислоҳ қилиниши, гендер тенглигини таъминлаш каби масалалар бунга мисолдир.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб борилиши режалаштириладиган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Жумладан, Президентимиз томонидан 2020 йил 22 июнда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилишга қаратилган яна бир муҳим қадам бўлди. Миллий стратегиянинг мақсади — Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил олиб бориладиган давлат сийёсатини амалга оширишнинг асосий вазибалари ва йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир.

# ҲЕЧ КИМ МЕҲРГА ЗОР БЎЛМАСИН!

**МИТТИ вужуд, мурғак қалб. У Яратганининг инояти бўлиб рўҳига келганида ҳаёт бунчалар шафқатсизлигини қайдан ҳам қилиши мумкин. Гўдак уни тўққиз ой раҳмида кўтариб, жон бағишлаган волидасининг юраги тошдек қаттиқ, муздек совуқ эканлигини англашга қодир эмас.**

Тамшаниб онасининг иссиқ бағрини излаётган йўрғакдаги чақалоқ атрофида парвона одамлар пайдо бўлди. “Бечорагина, бегуноҳ гўдакда не айб?”, “Қандай тошбағир она экан-а, шундай кўзмунчоқдек болани ҳам ташлаб кетадими?”, “Меҳрибонлик уйи” да кўнгли кемтик бола яна биттага кўпайди. Нима ҳам қилардики?! “Болага Худойберди, деб исм кўямиз.”

Катталарнинг бу сўхбатини тушунмай бигиллаб йиғлаётган ташландиқ гўдакка шу дамда излаётгани иссиқ бағир, меҳрибон кўп, роҳатланиб қорнини тўйдирди. “Она кўраги керак эди, холос. “Меҳрибонлик уйи”... Чизиқларидан олам тарам-тарам кесилган нурга белангандек кўринадиган қроватча... Меҳр кутиб интиқ бўлаётган Худойбердининг қулоғига мунгли овоз чалинди:

— Онааа... ааа!  
— Онаамма бораман...  
— Мамааа...  
Бир хил нолали овозлар...  
Безовта ураётган митти юрак қа-тида пайдо бўлган ички сас: “Қани, менинг онажонимим...” Бу нола овозга, овоз чинқирикқа айланди... Қоп-қора мунчоқдек кўзлари жиққа ёшга тўлган Худойбердининг кўнгли ўксигандан ўксиб, она меҳрини кўрмай ўсди...

Энди у йиллар давомида юра-гида пайдо бўлган армон билан яшашга маҳкумлигини ҳис этди. Бир хил ҳаёт бошланди. Овқатлан-тиришди, иссиқ хона, турли-ту-ман уйинчоқлар... Оқ халат кийган тарбиячи опалар, атрофида ўзига ўхшаган ўғил-қизлар...

“Мана, овқатланиб бўлди, энди бирозгина сайр қиламиз, кейин уйку... Яна уйғонамиз, ювинамиз, овқатга...”, “Капалак нима дегани?”, “Осмон нега белеён?”, “Мушук нега

ўт емайди?” саволлар, саволлар, жавобсиз саволлар... Унинг асло гапиргани йўқ... Аммо, аммо тунги даҳшатлар, қўрқинчли тушлар унга тинчлик бермасди. У шу зайдда қал-бидаги ўзи англаб етмаган чексиз нафрат билан улғайди. Шамоллаб қолиб, иссиғи кўтарилди кетганда, алаҳсираб туш кўрди. Тушида уни иссиқ бағридан юлқиб “Меҳрибон-лик уйи” оstonасига ташлаб кетган аёлни кўрди... Негадир биринчи марта “Она”, деган сўзни ишлатди. “Она! Она! Онажон!!! Мени бу ердан олиб кетинг!!!” Тепасида турган оқ халатли тарбиячи опанинг кўзлари ёшланганини кўрди. Ушанда Худой-берди 13 ёшда эди.

...У биринчи марта “Меҳрибон-лик уйи”дан қочиб кетди, шаҳар айланди. Пул топиш учун, эркин ва озод юриши учун илк бор боласини бағрида маҳкам қучган кўзларига меҳр инган аёлнинг сумкасини олиб қочди. Бу каби ҳолатлар тақрорла-наввергач, “жиноятчи”, деган тамғани орттириб, панжара ортига маҳкум этилди. У ердаги ҳаёт анча оғир эди... У ҳаётнинг янги имтиҳонлари-дан ўтишга мажбур бўлди. Ҳар гал касал бўлиб қолса, бир аёл тушига киради. Худойберди у билан ўнгиди суҳбатлашгандек дардлашади. Лекин у аёл фақат юм-юм йиғлайди. Кейин эса кўз ёшлар дарёга, ден-гизга айланади. Ва тури яқинида юрагидаги анча катталашиб қолган нафрат билан бирга у шу уммонга фарқ бўлади. Осмон тиниқлашиб, тозарандек бўлади.

Юраки сел қиладиган саволлар тақрорланади: “Мана, кўриб туриб-сиз, жиноятчи бўлдим. Аммо, айбим не эди? Мен ҳам оилам, ота-онам, ака-укам билан бирга бошқалардек бахтли яшашга ҳақким бор эди-ку?!” Миттигина оппоқ қозоқдек покиза қалбимни ким мажруҳ этди?! Ким



Моҳира ШАКАРОВА,  
журналист

менга, мен кабиларга бундай тақ-дири раво кўрди?!”

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида АҚШнинг Колумбия ижтимоий иш мактаби ва Мирзо Улуғбек номидаги Мил-лий университетнинг ижтимоий иш кафедрасида ташкил этилган 2019-2020 йилларда ижтимоий иш ходимлари миллий тренерлар тайёрлаш ўқув курсларида иштирок этганимизда “Уйга йўл” ҳужжатли фильми намойиш этилган эди... Ушбу фильмдан кейин тингловчи-лар ўз мулоҳазаларини билдириб, дебат шаклида машғулотлар бўлиб ўтганди.

Ушбу фильмда барча шарт-шар-роитларга эга “болалар уйи” тарбия-ланувчиларининг ҳаётини кўраб эканман, юрагимнинг туб-тубида аччиқ изтироб, ачиниш ҳисси пайдо бўлди. Чунки, она меҳри, оила қувончидан мосуво бўлган болажон-ларнинг кўнглини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмаслигини исботлашга кучим етмайди.

Вояга етгандан кейин болалар уйдан кетган баъзи йигит-қиз-лар ҳаётга тайёр эмаслиги сабаб мустақил ҳаётга кўника олмайди. Меҳнатга эмас, текин ҳаёт кечирив-га ўрганган болалар эҳтиёжлари учун турли хил жиноятларга қўл ураётган ҳолларга ҳам кўпчилиги-миз гувоҳимиз. Оила меҳри, оила гурури, ота-оналар ибрати фарзанд-лар учун энг катта бахт ва энг улғу саодатдир. Фарзандларини тақдир чорраҳаларида паноҳсиз, қаровсиз, ёлғиз қолдираётган ота-оналар бу қилмишлари учун Яратган олди-да бир куни жавоб беришларини унутмасалар яхши бўларди. Ҳеч ким меҳрга зор бўлмасин! Ҳаётнинг оддий ҳақиқати ва энг муҳими зару-рати шу!

## Қонунчиликдаги янгиликлар

### СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ 378-МОДДАСИ ЎЗГАРДИ

СОЛИҚ кодексининг 99-моддасига киритилган ўзгартиришга кўра, Давлат солиқ қўмитаси солиқларини, шу-нингдек айланмадан олиннадиган солиқни белгиланган тар-тибда мол-мулкни гаровга бермаган ҳолда, кафиликсиз ёки банк кафолатсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишга ҳақли эканлиги белгиланди (бундан даро-мад солиғи, ижтимоий солиқ, тўлов манбаида олиннадиган фойда солиғи мустасно).

Шунингдек, 100-моддага киритилган қўшимчага кўра, фаолиятни 3 йилдан ортиқ вақтдан буён амалга ошираёт-ган, солиқларни ўз вақтида тўлаган, аммо молиявий аҳво-ли солиқ қарзини муддатда тўлаш имкониятига эга бўл-маган манфаатдор шахсларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши мумкин.

Кодекснинг 378-моддасига киритилган ўзгартиришлар-га кўра, солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасининг профессионал (касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, тех-никумлар) ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун йўналтири-ладиган даромадлари солиққа тортилмайди (илгари ушбу имтиёз фақат олий таълим бўйича таъбиқ этилган).

### ЯРАШГАНЛАРГА ИМТИЁЗ БОР

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгар-лик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар кир-итиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга яра-шилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзгартиришларга кўра, Кодекснинг бир қатор моддала-рида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни со-дир этган шахс, агар у ўз айбига икор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса маъму-рий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Агар иш бўйича бир нечта жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдир-да, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси иш судга келган пайтдан эътиборан 3 кундан кечиктирмай ўт-казилади.

Ҳуқуқбузарликни бир йил ичида тақроран содир этган шахс томонларнинг ярашуви муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилинмайди.

### ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР СЕНИ КЎПАЙДИ

“Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахбор-рот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2022 йил 1 мартдан: Қуйидаги хизматлар ЯИДХП орқали электрон шаклда кўрсатилади:

- Ўзбекистонга чет давлат фуқаросини тақлиф қилиш;
- чет давлатда Ўзбекистон фуқаролигини тасдиқлаш бўйича тегишли ҳужжатлар ва маълумотномалар олиш;
- судланганлик (судланмаганлик) ҳақидаги маълумот-лар олиш;
- автотранспорт воситаларида таъқиқ мавжудлигини текшириш;
- жазони ижро этиш муассасалари ва манзил колония-ларида сақланаётганларини уларнинг яқин қариндош-лари билан учрашув вақтини белгилаш.

Ҳайдовчининг йўл-патрул хизмати инспекторига тақ-дим этилиши лозим бўлган ҳужжатлари ёнида бўлмаган тақдирда улар махсус планшет қурилмаси ёрдамида иден-тификация ID-картаси орқали текширилади.

Бунда, идентификация ID-картага эга фуқароларга те-гишли транспорт воситаси ҳайдовчисидан қуйидагиларни: янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси;

транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғриси-даги, транспортга эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқлов-чи ҳужжатлар;

транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полисини талаб қилиш амалиёти бекор қилинади.

**Шакарбой ГАЙИБНАЗАРОВ,**  
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот  
маркази масъул ходими

## ЭЪЛОНЛАР

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан “Advokat Naima Kamolova” адвокатлик бюроси адвокати Камоло-ва Наимхон Гайбуллаевнага бошқар-ма томонидан 24.12.2018 йилда берилган NA 000047-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда унинг адвокатлик мақоми “Ад-вокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига асосан тугатилди.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузу-ридаги малака комиссиясининг 2021 йил 6 октябрдаги 24/2021-сон йиғилиш бавённомаси ҳамда Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 6 октябрдаги 31-Н-ум-сон буйруғига асо-сан Тошкент вилоят адлия бошқарма-си томонидан 22.04.2020 йилда Чирчиқ шаҳрида ҳусусий амалиёт билан шугул-ланувчи нотариус Б.Раҳманова берил-ган TS 0061-рақамли лицензиянинг амал

қилиши 2021 йил 8 октябрь кунидан 2 ой муддатга тўхтатилди.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 28 сентябрдаги буйруғига асо-сан Шаҳрихон туманидаги “QOMUSIY QALQON” адвокатлик фирмаси адвокати Нурдино-ва Юлдузхон Муҳиддиновнага 2018 йил 19 декабрда берилган AN 000073 рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақоми арзисизга кўра тугатилди.

## Инсон ва ҚОНУН

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Мабуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган

Бosh  
муҳаррир

Кўчқор  
НОРҚОБИЛ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабиев Шерзод Миржалилович  
Тожиев Фурқат Шомиродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўлхатлар тақриз  
қилинади ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Маруза Ҳосилова  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тираж — 4000  
Буюртма — V-4892

Топшириш вақти — 19:00  
Топшириш — 20:30

## МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоис қилинган нархда

1 2 3 4 5

“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkaz.uz



